



Атеистлар динга карши чиқишларида барча катлиомлар дин шиорлари асосида бўлганини кўп ва ҳўп айтишни яхши кўришади. Бирок тарихга холис назар ташлайдиган бўлсак, булар қилган жиноятлар олдидан бошқалари хижолат эканини кўрамиз. Бу қиргинларга французларнинг 1792 йилдаги инқилоби ибтидо бўлди.

Француз инқилоби даврида якобинчилар катта террорни бошлаб юбордилар. Террордан мақсад рухонийлар, зодагон ва оддий Худого ишонувчи одамларнинг қирғини бўлган. Тарихчиларнинг ҳисоб-қитобларига кўра, Француз инқилоби оқибатида бошланган фуқаролар урушида 600 мингдан 800 минггача одамлар ўлдирилган.

Луи-Мари Прюдом ўзининг “Инқилобнинг холис ва умумий тарихи” деб номланган қитобида қуйидаги рақамларни келтиради: гильотинада 18 613 одамнинг қалласи танасидан жуда қилинган (улар ичида 1278 оқсуяк зодагон, 1135 рухоний, оддий тоғфия вақилларидан 2837 аёл ва 13 363 эркак бўлган); Вандейда 337 минг, Лионда 31 минг, Нантда 35 минг одам қатл қилинган. Вилоятларда 42 минг одамнинг 17 мингги суд ҳукми билан ўлдирилган. 2-сентябрдан 5-сентябргача Парижда “Сентябрь қотилликлари” деган мудҳиш воқеалар бўлиб ўтган. 1000 дан ошқ маҳбуслар қатл қилинган. Уларнинг ичида 300 минг рухоний ва 3 та епископ ҳам бор эди.

Ўшафотда қатл қилинганлар орасида эса қимё олими Лавуазе, масаллар ёзувчи Флориан, шоир Андре Шенелар бўлган. Қизиги, бу мудҳиш воқеалар ичида инқилобчиларнинг ўзлари ҳам бир-бирларини қатл қилиб ташлаган. 1794 йил 5-апрел қуни Жорж Дантон ва Қамилл Демулен, 13-апрел қуни эса Ёбер, Шометт и Ёро де Сешелларнинг қатли бажо қилинди. 20 аср бошларида бу анъанани совет коммунистлари ҳам такрорлаган. Инқилобчи атеистларнинг ақсари ўз шериклари тарафидан йўқ қилинган.

Урушқок атеизм инсоният тарихининг энг қонли асри 20 асрда “гуллаб-яшнади”.

Испаниядаги фуқаролар уруши

Республикачилар ҳаракати (анархист, коммунист ва социалистлар) 1931 йили Испанияда ихтилофга чиқариб рухонийларга нисбатан террорни бошлаб юборди. 1934 йили Астурияда бошланган кўзғолондан ўн кун ўтиб, 12 та рухоний, 7 талаба, 18 роҳиб қийнаб ўлдирилди ва 58 та черков ёқиб юборилди. 1936 йил июнь ойидан бошлаб умумий ҳисоб бўйича, 4184 рухоний, 2365 роҳиб, 11 епископ ҳам ваҳшийларча ўлдирилди. Динга алоқаси бор бўлган ўн минглаб оддий халқ вакиллари қатл қилинди. Баъзи епархияларда, масалан Арагониянинг Барбастросида бир куннинг ичида епархиал рухонийларнинг 88 фоизи йўқ қилиб ташланди.

Республикачилар тарафидан бу хунрезликлар ваҳшийлик билан амалга оширилади. Масалан Навальморелдаги бир рухонийни хочга михлашган. Роҳибларни ареналарга ҳайдаб корридадаги буқалар қаби қулоқларини кесиб ташлашган. Юзлаб рухоний ва роҳиблар оловда қуйдирилган. Битта аёлни иккита ўғли иезуитлар орденига аъзо бўлгани учун қийнашган ва хочни мажбурлаб юттиришган. Мадриддаги роҳибалар уйига ҳужум қилишиб, аёлларни зўрлашган, сўнг улар қалтақлашиб қатл қилинган, уйларига эса ўт қўйилган. Роҳибаларнинг жасадлари эксгумация қилиниб, устиларидан қулишлари учун оммага намоиш қилинган.

Хитой. “Маданий” инкилоб

Хитой атеистик, коммунистик режимининг ноинсоний муносабатини ўзида тўлиқ ҳис қилган.

Ўн йиллар мабойнида диктатор Мао Цзэ Дун ўз халқи устидан турли хил тажрибаларни ўтказган. Оқибатда миллионлаб одамлар ҳаётдан кўз юмган.

1. Биринчи тажриба 1949 йили бошланган ер ислохоти эди. Аввалида бу ислохот радикаллашмаган. Бироқ вақт ўтган сайин уни мажбуран сингдириш услублари дағаллашади, ҳусусан, бу соҳа бўйича содир этилган баъзи жиноятлар учун коммунистлар яхши кўрадиган “отишга ҳукм” жазоси белгиланди. Шаҳарларда халқ душманларини жазолаш бўйича намоишлар бўларди, газеталарда эса қатл қилинган “контринкилобчилар” рўйхати бериларди. Катагонда биринчи йилларининг ўзидаёқ юз мингга яқин одам отиб ташланди. Ўша вақтда қатл қилинганларнинг умумий сони 1-3 миллион одам атрофида эканилиги ҳусусида маълумотлар бор.

2. 1958-1959 йиллар Хитойда “Буюк сакраш” деб номланган янги авантюра бошланди. Унга кўра, дехкон хўжаликлари бирлаштирилиб, уларни коммунага айлантириш лозим эди. Бу авантюра оқибатида дехкон хўжаликлари йўқ қилинди ва натижада, мамлакатда очарчилик бошланиб кетади. Бу очарчиликда қанча одам ўлиб кетганини ҳеч ким аниқ билмайди. Тадқиқотчилар уларнинг сони бир неча миллион эканини айтишган ҳолос.

3. 1966 йил Маданий инкилоб бошланди. Унинг асосий максоди хунвийбин, яъни партия ва дохийга содик мутаассиб ёшлар қўли билан партия сафини буржуазия унсурларидан тозалаш эди. Асосий зарба интеллигенцияга тўғри келди. ХКПси берган расмий маълумотларга кўра, 800 минг одам отилиб, миллионлаб одамлар катагон қилинган, қийноқларга солиниб турмаларга ташланган. Россиялик хитойшунос олим Владимир Усовга кўра, “маданий инкилоб” жараёнида Мао Цзэдуннинг бешта муовинидан тўрттаси

отиб ташланган, олдинги 97 та МК аъзоларидан 60 таси, шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар кўмиталаридан 30 та котиб, 2600 ёзувчи ва санъат арбоблари, 142 минг ўқитувчи, 53 минг олим ва муҳандислар ҳам катагон қурбонлари бўлишган. 1968 йили Гуанси вилоятида юз мингга яқин одам қатл қилинган, қурбонлар рўйхати акс этган ҳужжатларда жуда кўпи ёш болалар эканлиги қайд этилади. Ёзувчи Чжэн Ининг хабар беришича, Усюан туманининг ўзида 100 га яқин одамни еб битиришган. Чунки Маога ўз садокатини исботлашнинг энг макбул йўли душманларни ейиш услуби бўлган экан.

СССРдаги атеизм

Худони инкор қилувчи коммунизм инсониятга катта зарар келтирган. Россияда коммунистлар ҳукуматни қўлга олишлари билан ички сиёсатни зўравонлик асосига ҳамда динга қарши кураш асосларида қуришди. Кизил террор зарбаси асосан коммунистлар билан қўшилмаганларга қарши қаратилган эди. Бу нафакат черков, интеллигенция ёки ҳарбий зобитлар эмас, балки ўз тарафдорлари бўлган дехкон, ишчи ва оддий аскарларга ҳам қарши қаратилган эди. Бу борада Кронштадтдаги мотрослар исёни, дехконларнинг норозилик намоёишларини эслаб ўтсак қифоя қилади. Ўлимга ҳукм қилиш оддий нарсаларга айланиб ва энг майда-чуйда жиноятларга нисбатан ҳам қўллана бошланади. “Агар баъзи жойларда қорни тозалаш ишлари (бу темир йўллар ҳақида гап) қўнгилдагидек бўлмаса... дехконлардан гаровлар олинсин ва агар қор яхши тозаланмаса, улар отиб ташлансин”, дейилганди 1919 йили 15-феврал куни Мудофаа вазири тарафидан чиқарган фармонларнинг бирида. (Верт 1999: 111).

СССР даги тоталитаризм режими давридаги қурбонларнинг умумий сонини ҳисоблаш жуда қийин. Бирок турли хил тадқиқотчиларнинг тахминий ҳисоблари бир-бирига мосдир. 1917-1922 йиллар ичидаги инқилоб, фуқаролар уруши ва бунинг оқибатида рўй берган очарчилик, эпидемия ва катагон туфайли қурбон бўлганларнинг умумий сони 6-8 миллион атрофидадир.

Дехконларни талаш, коллективлаштириш, қулоқ қилиш сиёсати натижасида 4-8 миллион одам ўлган. Булар етмаганидек, коммунистлар сиёсий репрессиялар билан ҳам ўзларининг қонхўрликларини яна бир бор намоён қилган. 1930-1953 йиллар орасидаги инқилобда давлатга қарши айбловлар билан 3 778 234 одам айбланган, уларнинг 786 098 мингги отиб ташланган. Қатл қилинганлар сони қайд қилинмагани учун бу рақамлар аниқ эмас, одамлар турмаларда оддий нарсалар масалан бугдой ўғирлагани учун судсиз, ҳукмсиз отиб ташланаверган. Аксар тадқиқотчилар бу борада 4-6 миллион қаби рақамларни келтиришади.

20 аср атеистик режими ҳукмрон бўлган Кампучиядаги қонхўр Пол Пот

Кизил кхмерлар ўзларинг конли тажрибалари билан бошка дунёкарашга бўлган нафратларини мантикий ниятларига етказганлар. Буржуазия билан урушиш керакми, урушамиз. Кизил кхмерлар ҳукуматни қўлга олган шаҳарлар фахш ва буржуазия кадрларини ўчоги сифатида эълон қилинди. Аҳолининг ҳаммасини жунглилардаги меҳнат тузатиш лагерларига ҳайдаб солди. Бу қарорга қарши бўлганлар отиб ташланди ё (ўқ-дориларни исроф қилмаслик учун) қатл билан қўпиб ўлдирилди. Мамлакат бўйлаб барча интеллигенция вакиллари: ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар ўқ қилинди. Қўз ойнак таккани учунгина ўлдирилган ҳолатлар ҳам қайд қилинган. Мустиқ талқинларга қўра, ҳукумат уюштирган геноцид қибатида 1.5 дан 2 миллионгача кампучияликлар қатл қилинган. Бу мамлакат аҳолисининг қорак қисми деганидир.

Интернет материаллари асосида
Абу Муслим тайёрлади